

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 207 (10.260)

2004 йил 25 октябрь

ПОЙТАХТНИНГ Дир Кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА Сўзларда

- **ШАХРИМИЗДА** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг иккинчи съезди бўлиб ўтди. Унда шу кунгача қилинган ишлар сарҳисоб этилиб, декабрда ўтадиган икки палатали парламентга сайловларга номзодлар танлаш масаласи муҳокама қилинди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Адлия вазирлигида уюштирилган семинар ҳоржий инвестицияларни жалб қилишнинг истиқболли йўналишларига бағишланди.
- **КЕЧА** Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ҳайинчоқлар кўни» болалар байрами ўтказилди. Ушбу тадбир бог маъмурияти ва татар миллий маданият маркази ҳамкорликларидан уюштирилди.
- **«БЎНЁДҚОР»** ёшлар телеклубида Ўзбекистон халқ амалии санъати намуналари кўргазмаси намойиш этилди.
- **МИРЗО** Улугбек туманидаги «Ёшлар» спорт марказида болалар спортини ривожлантириш жағғармасининг туман бўлими, туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан мактаблар ўқувчилари ўртасида «Мактаб полвонлари» деб номланган кураш мусобақаси бўлиб ўтди.
- **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 1-педагогика коллежиди 22 октябрдан бошлаб Зулфия номидаги Давлат мукофотиға номзодлар саралаш босқичи уюштирилмоқда. Ушбу тадбир ЭРТАГА якунланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳозиргача сайлов ҳужжатларининг барча муҳим намуналари ва шакллари, округ ва участка сайлов комиссияларининг муҳрларини, шунингдек, сайлов ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметасини ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни ишлаб чиқди ва ўз мажлисларида тасдиқлади. Бундан ташқари, мамлакатимиз бўйича Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 120 округ тузилди, округ сайлов комиссияларининг таркиби тасдиқланди.

22 октябрь кўни Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари иштирокида ўтган республика семинари округ сайлов комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш масалаларига бағишланди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг Харажатлар дастурида кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев округ сайлов комиссияларининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга риоя этилишини таъминлаш борасидаги вазифалари ҳақида маъруза қилди.

Округ сайлов комиссиялари ҳуқуқий мавқеининг хусусияти шундан иборатки, улар округда сайлов кампаниясини бевосита ташкил этади. Шу билан бирга, тегишли ҳудудда сайловга доир қонунларнинг бажарилишини назорат қилади, уларнинг қондаларни ҳамма ерда бир хил қўлланилишини таъминлайди.

Қонунда округ сайлов комиссияларининг бир қатор ваколатлари белгиланган. Жумладан, округ сайлов комиссияси сайлов участкаларини тузади, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Маблағларни участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди. Участка сайлов комиссияларининг биналар,

транспорт, алоқа воситалари билан таъминлианини назорат қилади ва сайлов округида сайловни моддий-техника жиҳатдан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади.

Шунингдек, округ сайлов комиссияси депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплашга оид имзо варақаларини сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакиллари билан қабул қилиб олади ва уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текширади.

Депутатликка номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитни таъминлайди. Хусусан, уларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради.

Округ сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини ҳам кузатиб боради. Сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади. Такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов ўтказилишини ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган даврда мамлакатимизнинг бутун ҳудудида сайлов тўғрисидаги миллий қонунлар талабларининг бир хил, аниқ ижро этилишини таъминлаш мақсадида сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг низоми ва йўриқномалари тасдиқланди. Семинар иштирокчиларига сайлов тўғрисидаги миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, бошқа муҳим

қўлланимлар билан биргаликда тарқатилган ушбу қўнуности ҳужжатлари округ сайлов комиссиялари раислари, уларнинг ўринбосарлари, комиссия котиби ва аъзоларининг сайлов тўғрисидаги қонунларга мувофиқ ўз ваколатларини амалга ошириши билан боғлиқ масъулиятли жараёнда кўл келиши тайин.

Анжуманда Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Хўжаевнинг ана шу низоми ва йўриқномаларнинг мазмун моҳияти ҳақидаги, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори А.Раҳмоновнинг фуқаролик жамияти ва сайловлар, Марказий сайлов комиссияси котиби О.Соатовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловни ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш, Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхўжаевнинг сайлов борасида ошқоралиқни таъминлаш масалалари ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари Б.Исмоиловнинг Ўзбекистон сайлов қонунчилиги хусусиятларига оид мавзулардаги маърузалари тингланди.

Дарвоқе, сайловга оид яна бир хабар. 26 октябрда Тошкент Давлат юридик институтида «Демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро стандартлар ва Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтади. Булажак халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Ҳуқуматининг БМТТД кўмаги остидаги тараққиётга ҳамкорлик кўрсатиш дастури ҳамда Япониянинг Нагоя университети билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Фуллом МИРЗО,
ЎЗА мухбири

XXI саҳоси

Барча маълумлардан
олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

- Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси томонидан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида ташкил этилган йиғилишда «Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг Навоий вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди.
- Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси, Республика Хотинқизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳамкорлигида ўтказилган анжуманда хотинқизларнинг икки палатали парламент сайловларидаги ўрни ва роли бош мавзу бўлди.
- Япониянинг Марказий Осиё маданияти бўйича миссияси расмий сафар билан мамлакатимизда бўлди.
- Тошкент вилояти фаолларининг йиғилишида жорий йилнинг 9 ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва жорий йил прогнози кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.
- Андижон вилоятининг Балликчи ва Олтинкўл тумани пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик шартномавий режасини бажардилар.
- Бахмал туманининг 2 миңдан зиёд аҳоли яшайдиган Тангатопди қишлоғига тоза ичимлик суви келтирилди.

Жаҳонда

- Ливияда Суданнинг Дарфур вилоятида юзага келган танглик масалаларини ечишга бағишланган Африка мамлакатларининг саммити якунланди.
- Қозғоғистоннинг Алматы шаҳрида 12 мамлакат вакиллари иштирокида Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирларининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- Америка Сийёсий маркази АКШ президентлиги учун бўлиб ўтаётган сайловолди жараёнларига рекорд даражада — 4 миллиард доллар миқдорига маблағ сарфланишини билдирди.
- 1999 йилдан буюн БМТ миссияси томонидан бошқарилаётган Косово ўлкасида парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда 120 нафар депутат сайланди.
- Японияда уяли телефон орқали машинани қисқа масофаларда хавфсиз бошқариш усули синовдан муваффақиятли ўтди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Озарбойжон Республикаси ёшлар, спорт ва туризм вазирлиги ўртасидаги ўзаро келишувга мувофиқ мамлакатимизда Озарбойжон ёшлари кўнлари бўлиб ўтмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА — ОЗАРБОЙЖОН ЁШЛАРИ Кўнлари

Пойтахтимиздаги «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ушбу тадбирнинг очилиш маросими бўлди. Унда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, Озарбойжон Республикаси ёшлар, спорт ва туризм вазирлиги ўринбосари И.Бобоев, Озарбойжон Республикасининг мамлакатимиздаги Факултетида ва Мухтор элчиси О.Азимбеков ва бошқалар ўзбек ва озарбойжон халқларининг азалии дўстлиги, урф-одатлари, маданияти, тили ва дини муштарак эканлигини таъкидладилар.

Ҳалқларимиз ўртасидаги бундай дўстона алоқаларни янада ривожлантиришга икки мамлакат ёшлар ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Республикаимиз ёшлари делегацияси Озарбойжонда бўлиши, мазкур мамлакат ёшлари вакиллари юртимизга келиши яхши аънаёнага айланган.

26

декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов куни

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ МАНЗИЛЛАРИ

Илгари хабар қилинганидек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ Тошкент шаҳри бўйича 60 та сайлов округлари ташкил этилди ва уларнинг рўйхати чегаралари ҳамда сайловчилар сони кўрсатилгани ҳолда «Оқшом» газеталарининг олдинги сонларида чоп қилинди. Куйида ушбу сайлов округларининг жойлашган манзиллари ва телефон рақамларини келтириб ўтамиз.

АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ

1-Ойбек сайлов округи

Марказ — 106-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700132, Х.Ғофуров 4-тор кўчаси, 29-а. Тел. 47-65-23.

2-Абдулла Қодирий сайлов округи

Марказ — 245-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700135, Жамшид кўчаси, 1. Тел. 47-78-59, 47-78-57.

3-Зиё Саид сайлов округи

Марказ — 116-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700132, Зиё Саид кўчаси, 229. Тел. 47-16-95.

4-Шодлик сайлов округи

Марказ — 193-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700106, Самоний кўчаси, 27. Тел. 75-75-43.

5-Мақсуд Шайхзода сайлов округи

Марказ — Миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи. Манзил: Тошкент ш., 700123, Чилонзор даҳаси, 11-мавзе, М.Шайхзода кўчаси, 61-а. Тел. 75-84-71.

6-Чўпон Ота сайлов округи

Марказ — Тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати. Манзил: Тошкент ш., 700152, Чилонзор даҳаси, 22-мавзе, Турсунқулова кўчаси, 1-а. Тел. 74-92-21, 74-96-44.

7-Қози Гузар сайлов округи

Марказ — Республика дизайн коллежи. Манзил: Тошкент ш., 700131, Чилонзор даҳаси, 26-мавзе, М.Шайхзода кўчаси, 1-а. Тел. 72-88-13, 72-88-18.

БЕКТЕМИР ТУМАНИ

8-Сувчи сайлов округи

Марказ — 289-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700104, Билал Нозим кўчаси, 47. Тел. 195-02-86.

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ

9-Салор сайлов округи

Марказ — Тошкент ирригация ва мелiorация институти. Манзил: Тошкент ш., 700000, Қори Ниёзов кўчаси, 39. Тел. 137-19-70.

10-Бўз сайлов округи

Марказ — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Шифокорлар малакасини ошириш институти. Манзил: Тошкент ш., 700007, Паркент кўчаси, 51. Тел. 67-72-87.

11-Академик сайлов округи

Марказ — 27-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700041, Ф.Ҳўжаев кўчаси, 24. Тел. 162-06-13.

12-Яланғоч сайлов округи

Марказ — А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти. Манзил: Тошкент ш., 700164, Яланғоч мавзеси, 127-а. Тел. 162-32-86.

13-Гулшан сайлов округи

Марказ — Мирзо Улуғбек туман Болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази. Манзил: Тошкент ш., 700187, Буюк Ипак йўли кўчаси, 235. Тел. 65-81-55.

14-Интизор сайлов округи

Марказ — Мирзо Улуғбек технология касб-хунар коллежи. Манзил: Тошкент ш., 700187, А.Матқобулов кўчаси, 1-б. Тел. 65-98-54.

15-Феруза сайлов округи

Марказ — Мирзо Улуғбек sanoat касб-хунар коллежи. Манзил: Тошкент ш., 700177, ТТЗ даҳаси, 4-мавзе, 47-уй. Тел. 64-69-16.

16-Ҳумоюн сайлов округи

Марказ — Тракторсозлар маданият уйи. Манзил: Тошкент ш., 700142, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434. Тел. 64-08-72.

МИРОБОД ТУМАНИ

17-Мингўрик сайлов округи

Марказ — 110-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700029, Яққачинор кўчаси, 9. Тел. 54-14-14.

18-Темирйўл сайлов округи

Марказ — Миробод sanoat касб-хунар коллежи. Манзил: Тошкент ш., 700167, Сарикўл кўчаси, 1. Тел. 93-01-15, 199-86-25.

19-А.Фитрат сайлов округи

Марказ — 154-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700105, А.Фитрат кўчаси, 83-а. Тел. 191-20-91.

20-Толариқ сайлов округи

Марказ — 31-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700198, Қўйлиқ даҳаси, 2-мавзе, 3-а уй. Тел. 90-72-19.

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ

21-Қорасарой сайлов округи

Марказ — 2-болалар санъат мактаби. Манзил: Тошкент ш., 700098, Қорақамиш даҳаси, 1/2-мавзе, Шамсиддинов кўчаси. Тел. 48-72-29, 48-73-34.

22-Иброҳим Ота сайлов округи

Марказ — «Пахта» маҳалласи маркази. Манзил: Тошкент ш., 700034, Пахта 5-тор кўчаси, 2. Тел. 29-38-78.

23-Тансиқбоев сайлов округи

Марказ — Тошкент банк коллежи. Манзил: Тошкент ш., 700175, Мойқўргон даҳаси. Тел. 144-82-56.

24-Мирза Ғолиб сайлов округи

Марказ — Ўзбекистон Миллий университети маданият саройи. Манзил: Тошкент ш., 700174, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси. Тел. 46-39-55.

25-Сабзор сайлов округи

Марказ — «Қорасарой» маҳалласи маркази. Манзил: Тошкент ш., 700069, Зарқайнар 19-берк кўчаси, 58. Тел. 48-24-22.

26-Беруний сайлов округи

Марказ — «Гузарбоши» маҳалласи маркази. Манзил: Тошкент ш., 700002, Сағбон кўчаси, 116. Тел. 40-39-66, 40-29-97.

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ

27-Дўстлик сайлов округи

Марказ — 2-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700102, Йўлдош даҳаси, 2-мавзе, 18. Тел. 58-73-31.

28-Йўлдош сайлов округи

Марказ — Сергели sanoat касб-хунар коллежи. Манзил: Тошкент ш., 700012, Сергели даҳаси, 2-мавзе, 64-а. Тел. 57-74-57.

29-Қипчоқ сайлов округи

Марказ — Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи. Манзил: Тошкент ш., 700012, Сергели даҳаси, 3-мавзе, 49. Тел. 57-26-55.

30-Чоштепа сайлов округи

Марказ — 300-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700085, Сергели даҳаси, 7-мавзе. Тел. 51-39-48.

31-Учувчилар сайлов округи

Марказ — Қўйлиқ маиший хизмат касб-хунар коллежи. Манзил: Тошкент ш., 700198, Қўйлиқ даҳаси, 5-мавзе, Ким Пен Хва кўчаси, 50. Тел. 90-61-11.

ҲАМЗА ТУМАНИ

32-Машинасозлар сайлов округи

Марказ — 307-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700007, С.Машхадий кўчаси, 123/1. Тел. 169-60-56.

33-Содиқ Азимов сайлов округи

Марказ — 145-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700047, Охунбобоев кўчаси, 37. Тел. 133-18-82.

34-Авиасозлар сайлов округи

Марказ — «Чкалов номи авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти маданият саройи. Манзил: Тошкент ш., 700171, Лисунова кўчаси, 1/1. Тел. 96-79-70, 96-79-82.

35-Лисунов сайлов округи

Марказ — 282-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700206, Ғалабанинг 40 йиллик даҳаси, 3-мавзе, 1-уй. Тел. 94-44-25.

36-Янгиобод сайлов округи

Марказ — Тошкент қурилиш касб-хунар коллежи. Манзил: Тошкент ш., 700204, Слоним кўчаси, 133. Тел. 94-42-32.

37-Қурувчилар сайлов округи

Марказ — «Ўрта масжид» маҳалласи идораси. Манзил: Тошкент ш., 700146, З.Шамсуддинова кўчаси, 45. Тел. 98-22-88.

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ

38-Олмазор сайлов округи

Марказ — 103-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700115, Гагарин кўчаси, 53. Тел. 77-77-34.

39-Қозиробод сайлов округи

Марказ — 1-педагогика коллежи. Манзил: Тошкент ш., 700185, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 27. Тел. 76-83-60.

40-Қатортол сайлов округи

Марказ — 2-педагогика коллежи. Манзил: Тошкент ш., 700096, Муқимий кўчаси, 186. Тел. 78-54-83.

41-Қўтарма сайлов округи

Марказ — 195-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700135, 2-Қатортол кўчаси, 38-а. Тел. 76-08-10.

42-Мевазор сайлов округи

Марказ — Мактаблараро ўқув техника маркази. Манзил: Тошкент ш., 700156, Чилонзор даҳаси, 19-мавзе, 4/1. Тел. 117-17-18.

43-Хайробод сайлов округи

Марказ — 281-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700208, Шарқ даҳаси, 6-а. Тел. 170-79-44.

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ

44-Навоий сайлов округи

Марказ — 115-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700128, Марказ-13 мавзеси. Тел. 41-24-25.

45-Фурқат сайлов округи

Марказ — «Қоратош» маҳалласи гузари. Манзил: Тошкент ш., 700021, А.Ходжаев кўчаси, 3. Тел. 45-62-55.

46-Каттабоғ сайлов округи

Марказ — 13-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700071, Самарқанд дарвоза кўчаси, 83. Тел. 45-65-24.

47-Гулобод сайлов округи

Марказ — 40-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700042, Соҳиббоев кўчаси, 4. Тел. 43-26-32.

48-Тинчлик сайлов округи

Марказ — 186-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700042, Хадича Мусахонова кўчаси, 36. Тел. 43-26-32.

49-Жарариқ сайлов округи

Марказ — 299-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700068, Жарариқ даҳаси. Тел. 118-28-37.

ЮНУСОБОД ТУМАНИ

50-Минор сайлов округи

Марказ — 9-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700017, Марказ-6 мавзеси. Тел. 135-24-02.

51-Мирзо Юсуф сайлов округи

Марказ — 70-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700084, Шивли кўчаси, 2. Тел. 137-50-49.

52-Уста Ширин сайлов округи

Марказ — 143-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700057, Уста Ширин кўчаси, 23. Тел. 134-87-51.

53-Туркистон сайлов округи

Марказ — 21-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700188, Юнусобод даҳаси, 6-мавзе. Тел. 24-98-55.

54-Уч қахрамон сайлов округи

Марказ — 271-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700212, Чимкент йўли кўчаси, 41. Тел. 125-60-58.

55-Мустақиллик сайлов округи

Марказ — 246-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700194, Юнусобод даҳаси, 13-мавзе. Тел. 24-78-54.

56-Иттифоқ сайлов округи

Марказ — 258-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700014, Юнусобод даҳаси, 19-мавзе, 39. Тел. 22-37-70.

57-Отчопар сайлов округи

Марказ — «Чинобод» сикхтоҳи. Манзил: Тошкент ш., 700039, Обид Зокиров кўчаси, 88. Тел. 112-29-12.

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ

58-Бошлиқ сайлов округи

Марказ — 127-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700022, Бошлиқ даҳаси. Тел. 50-33-17.


59-Бўрихар сайлов округи

Марказ — 73-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700100, Бобур 1-тор кўчаси, 28. Тел. 55-75-83.

60-Ракат сайлов округи

Марказ — 144-мактаб. Манзил: Тошкент ш., 700100, Академик Сирождиддинов кўчаси, 2. Тел. 53-29-48.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Афғонистонда бўлиб ўтган президентлик сайлови надижаларини ҳисоб-китоб қилиш ишлари давом этмоқда. Хозирга қадар бюллетенларнинг 5 фоиздан кўпроги ҳисоблаб чиқилган. Унга кўра етакчи номзод Хамид Карзай натижалари 71 фоизга етган. Карзайга асосий рақиб ҳисобланган номзодлардан собиқ таълим вазири Юнус Кунуний 15 фоиз, генерал Абдурашид Дўстум 4 фоиз овозга эгаллик қилишмоқда.

● Ливия пойтахти Триполи шаҳрида Африка мамлакатларининг саммити аяқланди. Унда Ливия, Судан, Чад ва Миср раҳбарлари иштирок этди. Анжуман иштирокчилари асосий эътиборни Суданнинг Дарфур вилоятида юзага келган тангликка қаратди. Бундан ташқари китъадаги қашшоқлик, соғлиқни сақлаш борасидаги муаммолар, қочқинлар тақдирини ҳал этиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

● Хитой фазога янги метеорологик йўлдошини учирди. Хитойлик мутахассислар ишлаб чиққан ва тайёрлаган бу йўлдош бир йўлакка Ер юзининг учдан бир қисмини назоратга олади. У метеорологик маълумотларни тўплайди. Жаҳон океани ҳароратини кузатади, қуёш ва фазовий радиацияни ўлчайди, шунингдек, табиий офатлар — тўфонлар, ёнғинларни кузатиб боришга ёрдам беради.

● Россиянинг «Новости» ахборот агентлиги хабарига кўра, Қирғизистон пойтахти Бишкекда террорчилик ҳаракатини амалга оширишда гумон қилинган Чеченистон Ички ишлар вазирининг собиқ ходими Шали туманидаги Курчалой кишлоғида А.Ахтахонов деган кимса қўлга олинди. Бу ҳақда Қирғизистон ва Россия ИИВ раҳбарларининг тезкор йиғилишида Россия Федерацияси Ички ишлар вазири Рашид Нургалиев маълум қилди. Унинг айтишича, қўлга олинган кимса 2003 йилдан буён федерал кидирувда бўлган ва Қирғизистон ҳудудига турли фамилиядаги учта паспортга эга бўлиб сохта ҳужжатлар остида истиқомат қилган.

● АКШнинг Калифорния штати жанубида темир йўл ҳалокати содир бўлди. 50 га яқин вагонларда захарли моддаларни олиб кетаётган юк поезде номаълум сабабларга кўра ўз йўлидан чиқиб кетган. Темир йўл ақинидаги бир неча уйлар вайрон бўлган. Темир йўл ҳалокати сабабли маҳаллий аҳоли эвакуация қилинган.

● Бразилияда гиёвандлик моддалари билан савдосотик қилишга қарши янги қонун кучга кирди. Унга кўра эндиликда гиёванд моддаларни ортб кетаётган жиноятчиларнинг самолёти уриб туширилади.



ЯНГИ МАРКАЛАР МУОМАЛАДА

«Ўзбекистон маркаси» очик акциядорлик жамияти атоқли адиб Абдулла Қодирийнинг бир юз ўн ва ҳушовоз хонанда Маъмуржон Узоқовнинг юз йиллиги муносабати билан янги почта маркаларини муомалага чиқарди.

Ўзбек адабиёти ва санъатининг буюк намояндалари сиймоси акс эттирилган бу почта маркалари бутун дунё филателистларида катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

ЎЗА

2000 йилда ўтказилган Бутунжаҳон саммитида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжат 2015 йилгача барча давлатлар учун одамлар ҳаётини яхшилаш дастурига айланди. Дунёнинг барча мамлакатларида тегишли ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда 13 йилдан буён амалга ошириб келинаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат халқ фаровонлигини ошириш, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, деди Республика Иқтисодий вазирининг биринчи ўринбосари Г.Саидова.

Масалан, умумий бошланғич таълимни таъминлаш каби ривожланиш мақсади энди биз учун долзарб эмас. Бундан ташқари ҳаётнинг барча жабҳаларида эркаклар ва хотин-қизлар тенглигига риоя қилинмоқда. Шундай эса-да, хали ҳал этилмаган кўплаб муҳим масалалар бор. Ривожланиш мақсадлари эришиш борасида Ўзбекистоннинг давлат тузилмалари ва БМТ агентликлари вакилларидан иборат Мувофиқлаштирувчи кўмита тузилди. Аҳоли турмуш даражасини ошириш, хотин-қизлар ҳуқуқи ва имкониятларини кенгайтириш, оналар ва болалар ўлимини янада камайтириш, сил касаллиги ва ОИВ/ОИТСнинг тарқалишига қарши курашни фаоллаштириш, экологик барқарорликни таъминлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон учун устувор мақсадлар сирасига киради.

Ўзбекистонда бу вазифаларни бажариш учун амалий чоралар кўрилмоқда. Масалан, ҳукуматимиз аҳолининг кам таъминланганлик даражасини 2015 йилга келиб қарийб икки бараварга қисқартириш стратегиясини ишлаб чиқди. Еш

лаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика 2015 йилга келиб, болалар ўлими кўрсаткичини учдан иккига, оналар ўлимини эса икки баробар камайтиришни ўз зиммасига олди. Сил касаллиги ва ОИВ/ОИТСнинг тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида фаол чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бунинг учун эса мақсадли давлат дастури амалга ошириляпти.

Ўзбекистон бу йўналишларда жаҳон ҳамжамияти, кўплаб халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Иқтисодий алоқалар ривожланишда, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар оқими кўпаймоқда.

Учрашувда жорий йил бошидан буён БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан республика мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Мингйиллик ривожланиш мақсадлари» мавзусидаги плакатлар танлови ғолибларини муқофотлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Танловда энг яхши деб топилган 23 нафар ёш раҳбаримиз қимматли совғалар топирилди. Уларни «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилик болалар жағфармасининг ҳомийлик кенгаши раиси Л.Каримова, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Майкл Барри Лейн табриклади.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

ЯНГИ МИНГЙИЛЛИКДАГИ МАҚСАДЛАРИМИЗ

Тошкентдаги Халқаро бизнес марказда Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари тақдимотиغا бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўни арафасида унинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан уюштирилди. Бу кун ҳар йилнинг 24 октябрасида бутун дунёда нишонланади. Унда республика вазирлик ва идоралари, жамоат бирлашмалари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

авлодни ҳар томонлама билимли қилиб тарбиялаш учун кўплаб ишлар қилинмоқда. Бу борада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчил равишда амалга ошириляпти. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури қабул қилинди.

Шунингдек, Президент Фармониға мувофиқ жамиятда хотин-қизлар мактабини ошириш бўйича кўп ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса оналик ва бо-

ғолибларини муқофотлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Танловда энг яхши деб топилган 23 нафар ёш раҳбаримиз қимматли совғалар топирилди. Уларни «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилик болалар жағфармасининг ҳомийлик кенгаши раиси Л.Каримова, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Майкл Барри Лейн табриклади.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

Анжуманда иқтисодиётнинг барча соҳаларида инновацион технологиялардан янада кенгроқ фойдаланиш давр талаби эканлигига эътибор қаратилди. Бу эса ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ва олимлар фаолиятини уйғунлаштириш, хорижий инвестицияни янада кенгроқ жалб этишни тақозо этади.

— Мамлакатингиз олимлари иқтисодиёт, саноат ва энергетика тармоқларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган муҳим илмий ишларни олиб бораётир, — деди германиялик олим Карл

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетига «Инновация-2004» халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз олимлари, саноат корхоналари вакиллари ҳамда АКШ, Россия, Франция ва Германиядан келган мутахассислар иштирок этди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Хаунз. — Биз улар билан компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда иссиқлик энергияси станцияларини самардорлигини юксалтиришга йўналтирилган лойиҳа бўйича иш олиб борамиз.

Анжуман қатнашчилари илм-фанимиз

ютуқлари, ундан амалда фойдаланиш, бу борада халқаро ҳамкорликни кучайтириш ва хориж тажрибасини кенгроқ ўрганишга оид масалалар хусусида фикрлашдилар.

ЎЗА

Барча кулайликлардан баҳраманд бўлишни ким ҳам хохламайди дейсиз? Айниқса, хонадонда газ, иссиқ ва совуқ сув мезъирида бўлса, қиш фалакати эса уйнинг иссиқ бўлса — ана унга нима етсин.

Тўловлар

ҚАДРИГА ЕТИНГ

Аммо ушбу шарт-шароитларни яратишни ҳам ўзи бўлмайди-да. Бунинг учун хизмат кўрсатувчилар кечаю-кундуз меҳнат қилишади, қанчадан қанча маблағ керак бўлади. Унинг устига тез-тез содир бўладиган авария ҳолатларини ҳам бартараф этиш юмушлари бор...

Вақти келганда ушбу кулайликлардан фойдаланувчи истеъмолчилар талаб қилишни, ҳуқуқларини рўқач этишни билишади-ю тўлов мажбуриятларини бутунлай унутиб қўйишади. Маблағ масаласи қўндаланг бўлиб, авария ҳолатларини вақтида бартараф этишга имкон топилмаганда эса «яхши хизмат кўрсатишмапти» деб нолишади. Ахир олмоқнинг бермоғи борда. Хизматдан фойдаландингизми, ҳақини ҳам тўлаш фарзлигини унутманг-да.

Мана иситиш мавсуми ҳам бошланди. Лекин шаҳримизда иссиқ уйда ўтириб, иссиқ сувдан фойдаланиб, лекин

қарзлари юқори даражага етсада пинагини бузмаётганлар анчагина топилади. Уларга на қўрилган чора-тадбирлар кор қилади, на ён-атрофдагилардан уялишади. Юнусобод тумани, 17-мавзудаги 1-уй, 121-хонадон соҳиби А.Сайдалиев «атиғи» 462762 минг сўм қарз. Тумандаги 18-мавзе, 19-уй, 1-хонадондан М.Мирзахонова 174281 сўм, Чилонзор тумани, 16-мавзе, 29-уй, 68-хонадондан В.Асташева 160729 сўм, 28-уй, 61-хонадондан Г.Узоқова 102523 сўм, Лутфиё кўчаси, 7-уй, 28-хонадондан Г.Бубова 153042 сўм иссиқлик ва иссиқ сув тўловларини бажармай, бунинг устига қарз тўловини талаб қилиб борувчиларни доимо эшигини очмай «кутиб» олади. Ахир бунақа ҳақиқда яшагандан кўра мажбуриятни бажариш осон эмасми?

«Тошшаҳарга» ҳудудий газ таъминоти корхонаси ходимлари ҳам вақти келганда асосий ишларидан қалғиб

тўловни бажармаганлар билан овора. Лекин қарздорларнинг «бугун-эртаси» кўп экан. Мана улар билан танишинг: Шайхонтоҳур тумани, Бирлик кўчаси, Агамик боши берк кўча, 1-уйдан Х.Алимухамедов 75.549 сўм, Эшонбобоҳон кўчаси, 15/6-уйдан Р.Умрзоқова 73.314 сўм, Омонгелди кўчаси, 36-уйдан Х.Обидов 55187 сўм, Ҳамза тумани, Риёзий 1-тор кўчаси, 13-уйдан В.Қукумов 65930 сўм, Фаргона йўли 9-боси берк кўча, 28-уйдан И.Ақромов 44616 сўм қарздор бўла туриб, бепарволикми ёки лоқайдлик билан юришибди.

Шунингдек, Шайхонтоҳур тумани, Эркин кўчаси, 1-уйдан Х.Нурмухамедов совуқ сув учун 83.326 сўм тўламаган бўлса, С.Раҳимов тумани, Гузарбоши маҳалласи, Хуррият кўчасидаги 58-уйдан М.Шукуров маиший чққингидиларни олиб кетиш учун 37.000 сўм қарздор.

Уй-жой мулкдорлари шир-

(Ўз мухбиримиз)

Курилиши безизга мардлар майдонига киёсламаймиз. Чинданга курилиш майдонларида гайрат ва шижоатли, ёзининг саратони, кишининг қахратонини ҳам писанд қилмайдиган зиммаларидаги юмушни ўз муддатида адо этишга астойдил бел боғлаган инсонлар меҳнат қилишади. Уларнинг максатлари битта: тез ва соз куриш, юртимизни яшнатиш ва обод этиш. Улар орасида муштарик дийримизда капитал курилиш соҳасида олиб борилаётган ислотларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаётган «Сифат» акционерлик лойиҳа курилиш жамиятига қаршли «Чидамчилик» махсус курилиш бошқармаси ҳам бор. Бошқарма бош муҳандиси Алиакбар ТУЛАГАНОВ билан суҳбатимиз бунёдкорларнинг бажараётган ва амалга ошириши режаланган юмушлари хусусида бўлди.

Музоҳаба

ЎЗ НОМИГА ЯРАША

— Бошқарманинг «Сифат» акционерлик лойиҳа курилиш жамиятида тугган ўрни қандай?

— Албатта, бошқармада меҳнат қилаётган бунёдкорларнинг сифатли меҳнатлари, топширилган ҳар бир объектни муддатида қуриб битказиши, лойиҳадаги ишларни мукамил бажариши билан ажралиб турганлиги боис ҳам масъулиятли участкаларда ишлаймиз. Шунингдек, бош пудратчи ташкилот ҳисобланиб, объектни «калити билан топшириш» усулида иш юритамиз.

— Танлов савдоларидаги иштирокингизда нималарга асосий эътибор қаратадиз?

— Асосан тез ва арзон, сифатли иш ҳажмини берганимиз боис ҳам гоиликни кўлга киритамиз. Лекин шу ўринда айтайтиш керакки, ҳозир ўтказилаётган танлов савдоларида кўпчилик ўзлари билан, таниган курилиш ташкилотларини қаҳрилади. Менгима, уларнинг доирасини кенгайтириш лозим. Айни пайтда катта-катта курилиш ташкилотлари билан бемалол рақобатлашга оладиган хусусий фирмаларнинг ҳам кўпайиб бораётганлиги қувонарлидир.

— Бошқарманинг фаолияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз...

— Турли хунарларни эгаллаган 70 нафар курувчини бирлаштирган жамоамизда 7 та бригада мавжуд бўлиб, ҳар бирининг ўз вазифаси бор. 1996 йилда иш

бошлаган жамоамиз бунёдкорлари шахримиздаги кўплаб курилишларида иштирок этди. «Халқлар дўстлиги» саройини қайта қуриш, «Чилнозор» буюм бозори, «Восток» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бўстонликдаги «Чорвок» оромгоҳи, Госпитальда-хаси, Халқлар Дўстлиги ва Форобий кўчаларидаги замонавий турар жой бинолари, болалар боғчалари, Мушкарликнинг 13 йиллиги шодиёнаси кўчаларида Собир Раҳимов тумани аҳолисини хушнуд этган поликлиника биноси ана шулар жумласидандир.

— Ёрдამчи пудратчиларни жалб этишда нималарга эътибор қаратилди?

— Албатта, сифат ва муддатга эътибор берилди. Бунинг учун эса ички тендер ўтказилди. Бошқармада бу борада «Сантехиниш» трести, «Шамол» шўба корхонаси, «Тошэлектромонтаж», «Санатлокамонтаж», «Тошқурилишмеханизация» трестлари билан ҳамкорликда ишлайди. Жамиятимизга қаршли механизация бошқармасининг мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланамиз.

— Албатта, курувчилар тажрибали бўлса, ўз касбини севса, иш ҳам рисоладагидек кетади...

— Тўғри айтдингиз. Курувчиларга осон тутиб бўлмайди. Лекин мана шу машаққатли йўлда ўзини кўрсатаётган бунёдкорлар

римиз кўпчилики ташкил этади. Улардан жамоа ахли ўртак олади, эъозлайди. Моҳир монтажчилар Шароф Азизов, Сотиболди Қулмиев, Юсуф Аюпов, электр пайвандчи Низом Тулаганов, дуррадор Ҳамид Раҳматуллаевларнинг номи алоҳида таъкидлаш керак. Улар ёшларга тажрибала-рини ҳам эринмай ўргатишади.

— Ўз ишингиз ва нархингизни кўрсатиб танлов савдосида голиб бўлдингиз, лекин кўп ўтмай нарх-наво кўтарилди, унда қандай йўл тутиш керак?

— Танлов савдосида қатнашганда таваққал коэффициентини ҳам кўрсатилади. Агар буюртмачи уни қабул қилмаса, ана шундай ҳолатда илжи борича керакли ашёларни тез харид қилиши, зарар кўрмасликка ҳаракат қилиш керак-да.

— Режадаги ишлар...

— Асосий максатимиз курилишларда фаол иштирок этиб, муштахам, чидамли, кўркам иш-шоотлар бунёд этишидир. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 1,5 миллиард сўмлик пудрат ишларини бажарган бўлсак, йил охиригача уни 2 миллиард сўмга етказиш ниятидамыз. Ҳозирда Темир йўл депосини қайта қуриш учун танлов савдосида иштирок этаймиз. Агар голиб бўлсак, на-сиб этса қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлаб юборамиз.

Суҳбатдош
Шарифа ИЛЕСОВА

Ҳишондорларимиз

МЕХНАТНИНГ МЕВАСИ

Зухриддин шахарни кезганида бригада аъзолари билан курилишда фаол иштирок этган биноларга қараб қалби фаҳрга тўлади, ўз касбидан, меҳнатлари мевасидан мамнунлик туяди кўнглида.

Зухриддиннинг пойтахтимиз курилиш майдонларида ишлаётганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Лекин мана шу ўтган олти йил давомида у ўзи меҳнат қилаётган «Туронмарказкурилиш» акциядорлик жамиятининг 1-курилиш бошқармасида жамоа-сида эътибор қозонди, илгорлар сафидан муносиб ўрин олди. Бунинг асосий боиси эса йигитдаги тиришқоқлик, юклаган ишни сидқиқилдан бажариши, устозлар маслаҳатига қулоқ тутиши, янгилликка интилиши бўлди.

— Отам Абдумажид Акмалов ишдан бўш вақтларида усталик билан шуғулланиб, иморатлар курилишида ишларди, — дейди Зухриддин Акмалов. — Болалигимдан уларга ёрдამлашиш борасида шу хунарга меҳр кўйдим, курилишнинг пасту-баландини кўриб кўзим пишиди. Кейинча-

лик Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги 6-йўл мактабин таомлагач, электр пайвандчи и л и к к а ўқидим. Негаки бу хунарга ҳам курилишда асқотишини жуда яхши билардим. Зухриддин Акмалов ўз меҳнат фаолиятини 1998 йилда электр пайвандчиликдан бошлаган бўлса, иш мобайнида бошқа хуналарини ҳам эгаллади. Айниқса, унга курилишда ўз ёрдამларини аямаган, тажрибала-рини эринмай ўргатган устоз муҳир бунёдкор Саидориф Насриддиновдан ҳамма миннатдор бўлади.

Зухриддиндаги меҳнатга иштиёқ, интилиш ва ҳаракатли сезган бошқарма мутасаддилари уни бир йилда брига-



дирликка таъсис этишди. Албатта, раҳбарлик учун ҳам қобилият керак, шунинг баробарида аввало унинг ўзи меҳнат маҳоратини кўрсатиши даркор. Бу борада гайрат кўрсатган бригадирни брига-да аъзолари кўллаб-қувватлашди. Шу боис бўлса керак бригадирнинг кўнгли тўқ, унинг бригадасидаги курувчилар до-лими ўртак. Улар қаерда иш-ла-масин, хоҳ «Наврўз» сахна мажмуаси, хоҳ Ўзбекистон Давлат Консерваторияси ёки Юнус Ражабий номли мусика коллежи — барчасида си-фатга, муштахамликка эъти-бор қаратишди.

Бригадада меҳнат қилаётган курувчиларнинг кўпчилиги Зухриддиннинг шогирдлари саналади. Улар орасида Абду-малик Исомиддинов, Фахриддин Ризаматов, Улуғбек Отахонов, Абдуҳаким Мирзабах-мовларнинг номларини таъ-

кидлаш лозим. Мушкарликми-зининг 13 йиллиги арафаси-да мукофотланганлар қатори-да Зухриддин Акмаловнинг борлиги ҳам бригада аъзо-ларини руҳлантириб юборди. У «Шухрат» медални соҳиб-и бўлди.

— Зухриддин бунданга юк-сак мукофотларга лойиқ курувчиларимиздан саналади, — дейди 1-курилиш бошқар-маси раҳбари Улуғбек Турсу-данов. — Шу боис бугун жамоа-диз уни муборакбод этди, дил-дан қувондик. Бу шарафга эса у ўз меҳнати, саъй-ҳаракати билан сазовор бўлмоқда.

Ҳа, мукофот бежизга берил-майди. У қилинган меҳнат қа-дри, эл-юрт ишончидир. Бу ишонч-ни оқлаш учун Зухри-дин Акмалов янада гайрат бил-ан ишлагач, шахримизни кўр-кам иш-шоотлар курилиши-да иштирок этиб обод қилиш-га интилоқда. Ҳозирда у бри-гада аъзолари билан Тошкент радио-телевидение узатиш мар-кази (телеминорани) қайта қу-риш ишларида фаолият кўр-сатмоқда. Эзгу максоди эса ҳалол меҳнат билан эл-юрт фа-ровонлигига муносиб ҳисса қў-шишдир.


Шоҳида ИЛХОМОВА
СУРАТЛАРДА: «Шухрат» ме-дали соҳиб-и, илгор бри-га-дир Зухриддин Акмалов.

БУНЁДКОР

Интилишга тоғе ёр

«ИЖОД»ДА ИЖОДКОРЛАР ИШЛАШАДИ

Ҳар бир ишнинг ўзига яраша машаққати баробарида завқ ҳам бўлакча бўлади. Айниқса, ўз меҳнатиндан кўнглини тўлса, излаган ва кўзлаган нарсанин ярата олсанг, ундан нафақат ўзинг, балки одамлар ҳам завқланса бундан фахрланмай, қувонмай бўладими?



меҳнатлари билан фақатгина ўзлари эмас, балки атрофдаги-ларни ҳам завқлантираётган касб соҳиблари ишлашади.

Маълумки, мамлакатимизда аждодларимиз томонидан бунёд этилган, миллий қадриятлари-мизни ўзида мужассам этган та-рихий обидаларимиз миллатимиз фаҳри ҳисобланади. Шу боис ҳам уларни кўз қорачигидек асраш баробарида, аждодлар аъна-ларини давом эттириб, ана шун-дай ўлмас обидаларни бунёд этишга, улуг бобоқалонларимиз руҳини шод айлашга мушкарлик йилларида алоҳида эътибор қаратилди.

«Ижод-ижод» фирмаси эса ўз олдида мана шундай эзгу мақ-садни қўйган ҳолда, яъни мав-жуд тарихий обидаларимизни ўз махсулотлари асосида қайта таъ-мирлаш, янгиларини бунёд этишни зиммаларига олган ҳолда 1996 йилда иш бошлади.



— Фаолиятимиз давомида ма-ҳаллий хом ашёдан самарали фой-даланган ҳолда сифатли махсулот тайёрлаш, тарихий обидаларимиз-нинг ўзлигини сақлаган ҳолда таъ-

мирлаш, шунинг баробарида янги-янги қошоалар қуришда иштирок этишга ҳаракат қилая-миз, — дейди корхона раҳбари Бах-тиёр Раҳмонов. — Бу бил-ан миллий қадриятлари-миз эъзозига, шарқона урф-одатларимиз қадрига, ёшларимизнинг аждодлар хотирасини доимо ёдда тутишига, уларнинг ме-росидан баҳраманд этишга муносиб ҳисса қўшаётга-нимиздан фахрланамиз.

Ўтган йиллар давомида буюртмалар сони ортан-лиги боис ҳам 9 киши бил-ан иш бошлаган корхо-нада яна 80 та ишчи ўрин-лари яратилди. Энг му-ҳими эса уларнинг барча-си ўз соҳаларини мукам-ил эгаллашга интилан, вазибаларини дилдан ан-глаб сидқиқилдан ёндо-шадиган ижодкорлардир. Корхонада ёғоч ва сопол-дан ишлаб чиқарилаётган курилиш ашёлари, кей-инги йилларда тайёрлана-ётган чинни махсулотла-рини қуриб уларнинг ма-ҳоратларини яққол сеза-сиз.

Корхона жамоаси то-монидан Бухородаги Баҳо-уддин Нақибанд ёдгорлик мажмуаси, Самарқанддаги Имом ал-Мотуридий мақ-бараси таъмирланди, Абдуҳолик Фиждувоний ёдгорлик мажмуаси бун-ёд этилиб, таъмирланди. Гулис-


тонда эса «Маданият ва маърифат» маркази қурилди. Мана шундай бу-нёдкорлик ишларида улар Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё



ятларида акс эттиришга астойдил интилишади. Бу борада тадбиркорлар юртимиз тарихини чўқур билладиган, эртасини кўра оладиган мутахассислар билан узвий ҳамкорлик қилишади. Уларнинг йўл-йўриқ ва маслаҳатлари сифат-ли меҳнатда акс этиб, кўрган кўзларни қувна-тишини исташади.

Жорий йилда эса тад-биркор корхона мута-хассислари Самарқандда Хотира майдони, «Шо-ҳизинда» ёдгорлик маж-муасини таъмирлаш юмушларини бажаришга ҳаракат қилишмоқда. Шу билан бирга ишлаб чиқаришини кенгайти-риш, махсулот турлари-ни кўпайтириш режала-ри ҳам бор. Ҳа, интил-ганнинг тоғе бор. Жа-моа ахли ҳам ана шу то-ленги меҳнат, изланиш, интилиш билан ярат-моқда.

Шоҳида БОБОЕВА
СУРАТЛАРДА: 47 йил-лик иш тажрибасига эга бўлган ёғоч ишлари ус-таси Азим Исамўхамедов буюртма устида мукамил ишлайди; Мирсолиҳ Со-биров ва Умид Қодиров-лар ясаган устунлар би-нолар кўрки саналади; ус-лувларидан фойдаланган ҳолда қадимий Ўзбекистоннинг бугунги кунини сақлашга, ижодий фаоли-



Курилиш майдонларида

ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН БОЗОРЛАР

Пойтахтимиз бозорларининг жамоли, уларда соту-ричи ва харидорларга яратилаётган қулайликлар ҳамша-ҳарларимизни хушнуд этмоқда.

Ана шундай бозорларни бунёд этиш-да, замон та-лаблари асо-сида қайта таъмирлашда эса куч-гай-ратларини аямлаётган бу-нёдкорларнинг ҳиссалари каттадир. Жорий йилда «Чорсу» буюм ҳамда «Эски Жува» деҳ-кон бозори таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Бозорларда нафақат тадбиркорлар учун савдо дўконлари, балки қулай расталар, овқатланиш шохобча-лари ҳам қурилиб, харид учун ҳам қулайликлар яратилди. Бу борада бор маҳоратларини ишга солиб шарафли бунёдкорлик касбини эъозлаётган «Муҳлиса қиз» ху-су-сий фирмаси курувчиларининг ҳис-салари ҳам беҳиёсдир.

— Мана икки йилдирки «Эски Жува» деҳкон ҳамда «Чорсу» буюм бозорлари курилишида фаол иш-тирок этмоқдамиз, — дейди ку-рилиш фирмаси бош муҳандиси Лу-т-филла Саидоҳонов. — Пойтахти-мизнинг гавҳум ва ўзига хос таро-ватга эга бўлган, нафақат ҳамша-ҳарларимизга, балки пойтахтимиз меҳмонларига ҳам кишин-ёзин хизмат кўрсатадиган ушбу бозор-ларни қайта қуриш, шарқона гўзал-лигини сақлаб қолиш баробарида замон та-лабларига хос тарзда бунёд этишга ҳаракат

Мақбуркорлик

ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШМОҚДА

Бугунги кунда кад ростлаётган биноларимизнинг чиройи ўзгача. Шарқона ҳамда Евро-па меъморчилиги уйғуллашган ҳолда лойиҳаланиб бунёд этилаётган ишоотларда та-лаблар даражасидаги сифатли ва рақобатбардош курилиш материалларидан самарали фойдаланилмоқда.

Айниқса, бинолар чиройи-ни таъминлаётган ойнаванд витражлар, сифати, чидамли-лиги, чиройли кўриниши би-ла иншоот кўркамлигини оча-ётган алюмин ва пластмасса ромлар, ташки безак ишлари-да кенг фойдаланилаётган аликопан курилиш ашёсига талаб ҳам ортиб бормоқда. Энг асосийи эса кейинги йилларда тадбиркорликка очилган кенг йўл боис кўп-лаб импорт ўрини босувчи ку-рилиш материалларининг ўзи-мизда ишлаб чиқарилаётгани, уларнинг сифати ва рақобат-бардошлигига эътибор қарати-лаётганидир.

Мамлакатимизни бугунги кунда кенг курилиш майдони-га киёслаб, айниқса пойтах-тимиз Тошкентда амалга оши-рилаётган бунёдкорлик иш-лари назар ташласак, албатта мана шундай тез ва соз, му-стахам ва кўркам ишоотлар-нинг кад ростлаши учун ўзла-ри ишлаб чиқарилаётган курилиш ашёлари билан ҳисса қўшаёт-ганларнинг меҳнатларини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

«Эмэк-иншоот» хусусий фирмаси жамоаси юртимизда-ги курилишларда нафақат ўз меҳнатлари, балки корхона цехларида тайёрланаётган ку-рилиш ашёлари билан ҳам фаол қатнашмоқда.

— Уч йиллик фаолиятимиз даврида Ўзбекистондаги ку-рилиш кўп-лаб курилишларда иш-ти-рок этиб, — дейди фирманин-г чиф бошлиги Эрдол Эмир, — шунинг баробарида Туркиядан

келтирилган ҳамда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб иш-лаб чиқарган алюмин эшик-ромларимизни буюртмачилар-да 6 нафар уста меҳнат қила-ди. Улар буюртмага қараб тур-ли ҳажмдаги эшик ҳамда ром-ларни Туркия дастгоҳлари ёрдამида ясашади ва керакли жойларда ўрнатиб ҳам бери-шади. Ойна хом ашёсини эса Қувасойдан оламиз. Буюртма-чи талаб ва эҳтиёжга қараб махсус лойиҳа асосида тасдиқ-ланган объектларда ўз махсу-лотларимизни ўрнатиш иш-ларини амалга оширамиз.

Корхонада тайёрланаётган алюмин эшик-ромлар турли ранг ва ҳажмда бўлиб, энг му-ҳими улар чидамлилиги, ен-тигиллиги, қулай очилиб-ёпи-лиши, шовқинни йотиши, хона хароратини сақлаб туриши бил-ан ажралиб туради. Шунинг-дек, ушбу махсулотнинг бир йиллик кафолат муддати бўлиб, агарда талабга жавоб бермаса алмаштириб берила-ди.

Фирма усталари пойтахти-миздаги Марказий Темирйўл-чилар маданият саройи, «Биз-нес-банк» биноси, «Эски Жува» деҳкон бозори ҳамда Жиззах-даги курилишларда ўз махсу-лотлари билан ишоотларга кўркамлик бахш этган бўлса, ҳозирда шахримизнинг Фар-ғона йўли кўчасида курилиш кўп-лаб курилишларда иш-ти-рок этиб, — дейди фирманин-г чиф бошлиги Эрдол Эмир, — шунинг баробарида Туркиядан

да бажармоқда. Буюртмачи-ларни жалб этиш мақсадида усталар махсулотлар дизайн-и устида доимий иш олиб бо-лади. Шунинг баробарида ҳозирда биноларнинг ташки қисмини безашда кенг қўлла-нилаётган аликопан курилиш ашёсидан фойдаланиб, улар-ни турли ҳажмларда ишлаб чи-қармоқда.

— Ўзбекистондаги кури-лишларга муносиб ҳисса қўшаётганимдан бениҳоя мам-нунман, — дейди Туркиядан келиб меҳнат қилаётган тад-биркор Эрдол Эмир. — Чўки юртингизда тадбиркорлар учун яхши шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу боис ҳам келгусида бозорни ўрганиш асосида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, пластмас-садан махсулотлар тайёрлаш, кўшимча ишчи ўринлари яра-тиш режа бор. Ҳозирда ойи-га 300 квадрат метр алюмин эшик-ром ва витражлар тай-ёр-лаётган бўлсак, келгусида буни бир неча баробар оши-рамиз. Жиззах, Хива ва Анди-жонда цехлар очилиши режа-лаб турибмиз. Энг асосийи эса ўз изланиш ва ҳаракатла-рини билан қардош Узбекис-тонни яшнатиш, обод этишга ҳисса қўшаётганимдан бе-ниҳоя бахтиёрман. Диди ба-лард ўзбек халқи ишлаб чи-қариётган махсулотларимиз, бунёдкорлик юмушларимиз-дан кўнгли тўлса, бу цехимиз ишчиларига куч-қувват бағиш-лайди.

Дилноза ФИЁСОВА

бўлмайди. Бу борада «Эски Жува» деҳкон бозорининг ҳам ўз ўрни, беҳиёс ҳиссаси на-моён бўлар экан, у ердаги кейинги йиллар-даги бунёдкорлик ишларида алоҳида тўхта-ламоқ жоиздир. Бу ерда «Гўшт махсулотлари», «Ковун-тарвуз» бозорлари, шунингдек, рес-публикада ягона бўлган «Овқатланиш маж-муаси»нинг кад ростлаши айни мудоао бўлди.


Мушкарлик байрами шодиёнаси кўна-рида эса курилиш фирмаси бунёдкорларин-нинг самарали меҳнатлари муҳасса бўлган 300 ўрилли чакана ҳамда 200 ўринли улғур-жи сабазавотлар расталари фойдаланишга топширилди. Бу албатта фирмада меҳнат қилаётган 150 нафардан зиёд курувчининг куч-гайратлари самарасидир.

Шу кўнларда эса фирманин-г 50 нафардан иборат қўли гул усталари миллиция тағич пункти идорасининг замонавий биносида курилиш-тиклаш ишларини олиб боришмоқ-да. Шунингдек, «Чорсу» буюм бозорида 30 та янги савдо расталарини тиклаш ва фой-даланишга топшириш ҳам уларнинг зимма-сида. Мана шу юмушларни муваффақиятли бажариб, янги йилни ёруғ өз бил-ан кутиб олишга интилаётган шарафли ва заҳматли касб соҳиб-лари келгуси йил бунёд этилажак объектлар курилиши учун ўткази-ладиган тендерларда ҳам фаол қатнашиб, янада кўркам ишоот-ларнинг кад ростлашида муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилинган.

Зеро, ҳақиқий ҳаракат, изланиш албатта ўз баракасини беради. Насиб этса «Муҳлиса қиз» бунёд-корлари тиклаган бинолар пой-тахтимизга кўп йиллар чирой бахш этади.

Шарофат БАХРОМОВА
СУРАТЛАРДА: фирма бош муҳандиси Лутифилла Саидо-ҳоновни ҳаммаиш курилиш объектларида қизгин меҳнат жараёнида учратасиз; тобора чирой очатган бозорининг кўринишидан лавҳа. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Шарқ дурдоналари



● Вафолди одамнинг дўстлиги ҳам самимий бўлади.

● Ёшликда шундай иш қилки, қариганигда фойда берсин ва унинг беҳуда ўтганидан афсус ема!

● Ёшлик мастлиги шароб мастлигидан оғир.

● Йигит йигитдан йиқилади, аммо таслим бўлмайди.

● Бир сандиқ олтидан бир зарра ақл яқши.

● Тинимсиз зиёратдан малоллик тугилади.

● Йулга чиқишдан аввал йўлдош кидир.

● Хар қуш ўз овозидан шодланади.

● Байт:

Яхшилар айбидан кўз юмгин хар он,
Хасад кўзи билан боқмагил зиён.

Ўз айбинг кўрмоққа юз марта кўз оч,
Ўзгага бир бор ҳам кўз очишдан қоч!

● ХИКМАТ. Дўст уч гуруҳдир: дўст, дўстингни дўсти, душманингни душмани. Душман ҳам уч тоифадир: душман, дўстингни душмани, душманингни дўсти. Байт:

Душманингда душман бўлади дўстинг,
Душманингда ул ҳам бўлади ағёр.

Душманингда дўстлик айласа дўстинг,
Душмандир у аканг бўлса ҳам зинҳор!

● Донолардан бири айтиди: — Ёмон кишилар билан уфат бўлишдан қочгин. Одамнинг табияти ўғридир. У яхши кишилар билан сухбатдош бўлганда яхши хислатлардан баҳраманд бўлгани каби, ёмон билан уфат бўлганда ҳам улардан озгина бўлса-да, ёмон хислат ўтириб олади.

● Доноларнинг айтишича, хар кишини ҳам дўст тугиб бўлавермайди. Дунёда дўстан кўра азизроқ ва қимматроқ нарса йўқ. Айтишларича, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Хусайн ўз отаси ҳақида хикоя қилиб қуйидагиларни айтган:

Дадам бир куни менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва уфатлик қилма, улар билан ҳеч вақт сухбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» деб сўрадим. Дадам деди: «Биринчиси — фисқу фужур аҳли. Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир лўқма нон учун сени сотишдан қайтмайдилар. Уларнинг одатлари шуки, сендан доим бир нарса таъмасида бўлишди, агар бермасанг, халқ ичида сенинг ҳақингда ёмон гаплар тарқатишди. Одамлар эса гапнинг тагига етмасдан сен билан ёмон муоамала қила бошлайдилар».

— Иккинчиси бахил ва хасис кишилар. Агар сен бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг улар ҳеч қачон сenga бермайдилар. Сенинг молу давлатингни эса уялмай ейдилар. Тугаса душманга айланадилар. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Пулим кўпчилигиде дўстларим кўп эди. Камбағалликка тушиб қолганимда эса душманимга айланишди, таъна тошини отишди.

Дадам давом этиб деди: — Уларнинг учинчиси ёлгончилар. Кимда бу иллат борлигини сезсанг ундан ўзроқроқ юр. Улар сени ўз яқинларингдан айриришди ва бегоналарни яқинлаштиришди. Тўртинчи тоифа эса жохил, нодон ва аҳмоқ кишилардир. Улар билан бўлган сухбат кишига аста-секин тасйир эта бошлайди, тўғри йўлдан оздириб, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа эса лақма, дилда меҳри йўқ кишилардир. Бундай кишиларни малъун деб аташ мумкин.

Бельгияда Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева ва Шавкат Мирзаев бошчилигидаги чолгу ансамблининг концерт дастурлари бўлиб ўтди.

БЕЛЬГИЯ МУНОЖАТНИ ОЛҚИШЛАДИ

Европалик анъанавий мусиқа ихлосмандлари Муножат Йўлчиева ижоди билан яхши таниш. Ўзбек хонандаси кейинги йилларда Бенилюкс мамлакатларидаги турли фестивалларда иштирок этиб, мусиқа ишқибозлари ва танқидчиларнинг эътиборини қозонган.

Ўзбек хонандасининг бу галги гастролли Гент шаҳридаги концертдан бошланди. «Ое Вцоке» концерт залида Муножат ижросида Навоий, Муқимий ва бошқа мумтоз шоирларнинг газалларига битилган кўшиқлар, ўзбек халқ ашулалари янгради.

— Муножат ижоди билан биринчи марта танишганимдаёқ катта таассурот олганман, — дейди концерт ташкилотчиси Жос

Лутенс «Жахон» АА мухбирига берган интервьюда. — Унинг бетақорор иқтидори, сеҳрли ва жарангдор овози кишини асир этмасдан қолмайди.

Муножат Йўлчиеванинг Брюсселдаги нуфузли «Concert Noble» ва «Espace Senghor» концерт залларидаги чиқишлари ҳам мухлисларнинг олқишлари билан кутиб олинди. «Espace Senghor»даги концертдан олдин «Муножат Йўлчиева, Марказий Осиё овози» ҳужжатли фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Бельгиялик ҳужжатли кино усталари томонидан суратга олинган мазкур фильмда Муножат Йўлчиеванинг ижод йўли ҳақида хикоя қилинади.

Таниқли ўзбек санъаткорининг кон-

церлари Бельгия матбуотида кенг ёритилди. Брюсселда инглиз тилида чоп этиладиган «The Bulletin» хафталик газетаси шундай деб ёзади: «Муножат Йўлчиева мусиқа олами мутахассислари томонидан бугунги кунда Марказий Осиёдаги мумтоз ашулаларнинг энг яхши ижрочиси сифатида эътироф этилмоқда».

Француз ва фламанд тилларида чиқадиган «Брюссель ангеликлари» газетаси ҳам ўзбек хонандаси концертлариغا бағишлаб «Муножат Йўлчиева. Ўзбекистон мусикий санъати бойлиги» сарлавҳали мақола эълон қилди.

Бельгиялик томошабинлар Муножат Йўлчиеванинг ашулалар маҳорати билан бир қаторда ансамбль созандалари Шавкат Мирзаев (рубоб), Нодир Аликулов (доира), Дилфуза Хайдарова (дугор) ва Ахмаджон Дадаевнинг (ғижжак) ижрочилик санъатига ҳам муносиб баҳо бердилар.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жахон» АА,
Брюссель

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАРИ

Тошкентда Республика «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан «Ўрта Осиё мамлакатлари тадбиркор аёллар учун дипломатик кўникмаларни ривожлантириш ва шартномаларни бошқариш» мавзуида семинар ўтказилди. Унга Америка Тинчлик институти МДХ мамлакатлари, мамлакатимиз вилоятларидаги ишбилармон аёллар тақлиф этилди.

Аёл учун мансаб пиллапоаялари бўйлаб кўтарилиш ёхуд ўзининг тадбиркорлик ишлари билан халққа бирор нафи тегиши билан бир пайтда уй-рўзгор юмушларини удаллаши юкни икки қарра оғирлаштиради. Шу боис ҳам аёлларга давлатимиз томонидан фаолиятлари давомиде учраши мумкин бўлган турли тўсиқларни енгиш, шуниингдек, уларнинг жамиятдаги макенини мустаҳкамлаш, саломатлигини сақлаш ҳамда меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. «Тадбиркор аёл» уюшмаси ҳам бо-зор муносабатларининг вужудга келиш жараёнидаги аёлларнинг иштироки учун қулай шароитлар яратиб, уларнинг тадбиркорликнинг турли кўринишларида ва турли шаклларида ҳамкорлик қилиш, амалий шерикчилик борасидаги ўзаро ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган эди. Мухими шундаки, мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий ўтиш дав-

рининг чуқур жараёнлари кечаётган бир вақтда, аёлларнинг иш ўринларини йўқотиб қўйишга йўл қўймайлик, ўз-ўзларига ёрдам қўрсата олишлари учун мазкур уюшма ташкил қилинган эди. Хозирда мазкур уюшма ўз атрофига тўрт минг нафардан ортиқ тадбиркор аёлни бирлаштирди.

Маълумки, Марказий Осиё мамлакатлари бугун тобора глобаллашув ва интеграция жараёнига кириб бормоқда. Шундай жараёнларда аёлларнинг ҳам ўрни бор. Бу ташқи олишларига мазкур уюшма ишлаб чиқариш, янги технологиялар билан жалб этишга ҳамда хорижий ҳамкорлар билан мулоқот қилиш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Семинар Марказий Осиё ишбилармон аёлларига дипломатик кўникмаларни ривожлантириш ва хар томонлама мукамал шартномалар тузишга имкон беради.

Инобат ЭҒАМКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Ўзбекистонда биринчи марта 2004 йил 26 октябрдан 28 октябрга қадар «TEXTILE EXPO UZBEKISTAN» халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Уни ITE Group PLC (Буюк Британия) ва ITE Uzbekistan халқаро кўргазма компаниялари «Ўзбекенгилсаноат» давлат акционерлик компанияси кўмагида ташкил этмоқда.

«TEXTILE EXPO UZBEKISTAN»: 14 МАМЛАКАТДАН 70 ТА КОМПАНИЯ

«Ўзэкспомарказ»да Австрия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Италия, Эрон, Хиндистон, Хитой, Россия, Туркия, Швейцария, Чехия, Япония ва мамлакатимиздан 70 га яқин компания ўз маҳсулотларини намойиш этади.

Кўргазма иштирокчилари орасида Zinger (Германия), Stork prints (Голландия), Sauer szech (Чехия), Dalkiran (Туркия), Rieter (Швейцария), «Красная маевка» (Россия) каби тўқимачилик маҳсулотлари, машина ва ускуналар ишлаб чиқарувчи таниқли фирмалар бор.

Кўргазмага ташриф буюрганлар ўзбекистон-

лик товар ишлаб чиқарувчиларнинг хилма-хил маҳсулотлари билан ҳам танишади. Улар орасида Shark model, Kabool Textiles, Kabool Fergana каби корхоналар алоҳида ажралиб туради.

Кўргазма тўқимачилик ва тикувчилик ускуналари, тўқимачилик санъатида кимё, ишлаб чиқариш технологиялари, ипли ва бўз матолар, синтетик товлалар ва матолар, гилмалар, трикотаж ва пайпоқлар, маиший тўқимачилик, мода ва кийимларни моделлаштириш ва бошқа бўлимлардан иборат бўлади.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

Ҳайвонот олами ҳақида гап кетганда албатта ёшлигимизни эсга оламиз. Катталарга нисбатан кичик ёшдаги болалар ҳайвонотга катта қизиқиш билан қарайдилар. Фарзандларини ёшлигидан ҳайвонот боғига олиб бормаган ота-она бўлмаса керак. Айниқса, шер, йўлбарс, маймун, фил сингари ҳайвонлар доимо болажонлар эътиборини ўзига жалб этиб келади.

Дам олиш масканларида

ҲАЙВОНОТ БОҒИДА ЯНГИ ФИЛ

Тошкент ҳайвонот боғи бугунги кунда нафақат ҳамшаҳарларимиз, балки хорижлик меҳмонлар билан ҳам гавжум. Негаки яқинда ҳайвонот боғи яна бир ҳайвон билан бойиди. Бу ерга Малайзиядан 4 ёшли фил

эътиборини торттишмоқда. — Хозирги кунда филлар бизнинг иқлим шароитимизга кўникиб, ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар, — дейди бизларни филлар билан таништирар экан Тошкент ҳайвонот боғининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Азиз Ирисметов. — Филларнинг оғирлиги 800 килограмдан иборат. Шунингдек ҳайвонот боғига қоплак, фил бир кунда ўзининг оғирлигига

ноёб ҳайвонларнинг тутқуниликда кўпайиши бу борада муҳим ўрин тутди. Ҳайвонлар учун аввало озиқаларни тўғри бериш, уларга шароит яратиш зарур. Бу кўрсаткичлар бўйича Тошкент ҳайвонот боғи олдинги ўринларни эгаллаган. Янги ҳайвонот боғи 1997 йилда очилган бўлиб, унинг майдони 22 гектарни ташкил қилади. Боғда 420 дан ортиқ (Ўзбекистонда учрайдиган) хар турули кушлар, 93 тур сут эмизувчилар, 67 тур хар хил судралиб юрвчи ҳайвонлар, 70 турга яқин балиқлар мавжуд. Шунингдек ҳайвонот боғига қоплак, пума, кенгур, бегемот ва кўп турдаги кушлар келтирилган. Хозирги пайтда бошқа давлатлардан қаридон ва тапир номли ҳайвонларни келтириш мўлжалланмоқда. Тошкент ҳайвонот боғига Қарағанда, Алматы, Москва, Новосибирск, Омск сингари шаҳарлардан алмаштириш йўли билан ҳайвонлар келтирилмоқда. Боғда аввало

ўзимизнинг табиатга мансуб ҳайвонларни кўпайтиришга киришганимиз. Иккинчи навбатда эса экзотик ҳайвонларни. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, боғдаги мавжуд йирткич ҳайвонлар учун қучли ҳимоя воситалари ўрнатилган.

Дарҳақиқат, ҳайвонот боғига ташриф буюрган киши аввало ушбу шуманзара масканнинг озода ва қурқамлигига, барча ҳайвонлар учун қишки ва ёзи хоналар, уларга яратилган шароитларнинг гувоҳи бўлади албатта. Бундан ташқари боғдаги мавжуд ошхона, қувноқ аттракционлар жажжи болажонларимиз хизматидадир.


Сиз ҳам Тошкент ҳайвонот боғини кўриб, томоша қилинг, азиз ҳамшаҳарлар.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Тошкент ҳайвонот боғидан лавҳалар.
Ҳажимжон Солиқов олган суратлар.



келтирилди. Филлар энди бир жуфт бўлишди. Бундан икки-уч ойлар олдин ҳам Малайзиядан 3,5 ёшли ургочи фил келтирилган эди. Энди улар бир жуфт бўлишиб, ҳайвонот боғига ўзгача файз киритиб, томошабинлар

нисбатан 10 фоз овқат ейди. Филлар бир-бирлари билан чиқишиб, дўстлашиб қолишган. Айни кунда боғда 340 дан ортиқ тур ҳайвонлар мавжуд. Лекин боғ мавқеи ҳайвонларнинг сони билан белгиланмайди. Балки



Шарҳовчи миқбари

БРАЗИЛИЯ МАГАТЭ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

Бразилия ҳукумати Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) билан мамлакатдаги ядровий иншоотларни назорат қилиш борасида келишувга эришганини маълум қилди.

Ҳукумат электр энергияси ишлаб чиқариш учун уранин бойитиш борасида янги дастурларни амалга оширишга қарор қилган эди.

Шундан кейин МАГАТЭ кузатувчилари бу дастурлар билан танишиб чиқиш истагини билдирди.

Душанба куни кузатувчилар Бразилияга келди ва ўз фаолиятини Резенда шаҳрида жойлашган атом электр станциясини текширишдан бошлади.

Бразилиянинг бу ташаббусидан минтақадаги айрим кўшни давлатлар, хусусан, АҚШ ва Аргентина билан биргаликда ҳам ҳарбий диктатура даврида мамлакатда биринчи АЭС барпо этилди. Бу борадаги барча ҳаракатлар мақбуллаштирилиб, ҳукумат ядро қуролига эга бўлишга интилар эди.

Бразилияда ядровий тадқиқотларга қизиқиш ўтган асрнинг 50-йилларида бошланган эди. Ҳарбий диктатура даврида мамлакатда биринчи АЭС барпо этилди. Бу борадаги барча ҳаракатлар мақбуллаштирилиб, ҳукумат ядро қуролига эга бўлишга интилар эди.

Кейинчалик Бразилия оммавий қирғин қуролига эга бўлиш учун Аргентина билан биргаликда ишлади. Икки мамлакатда ҳам ҳарбий диктатура ағдарилганидан сўнг бу фаолият тўхтаб қолди.

Бразилияда оммавий қирғин қуроли ишлаб чиқариш конституцияга биноан тақиқланди. 1995 йилга келиб, мамлакат ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилди.

Маълумотларга кўра, айни пайтда Бразилиянинг уран захираси 600 минг тоннага тенг. Бу мамлакатдаги АЭСларни минг йил ичида ядровий ёнилғи билан таъминлашга бемалол етар экан.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎЗА шарҳовчиси

«ҚУРОҚ» УСУЛИ ОММАЛАШМОҚДА

Мирзо Улугбек туманидаги 241-мактабда йигирма йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган Гули Маҳкамова ўқувчилар ва ҳамкасбларига томонидан эъзозланади. Унинг ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда олиб бораётган ибратли ишлари таҳсинга лойиқ.

Гули Маҳкамова ишлаб чиққан 26 соатли дастур «Халқ хунармандчилиги асослари» бўлимидан жой олган. Шунингдек, унут бўлиб бораётган миллий урф-одатларимизни тиклаш, халқ амалий санъатидаги ноёб, ўта нозик, ранг-баранглик ҳамда гўзаллиқни ўзида мужассам этган «қуроқ» услубини оммалаштириш борасида қилаётган ишлари республика миқёсида тан олинган.

Гули Маҳкамова «қуроқ» услубининг янги йўналишини танилаб, унга сайқал берди. Кўзга кўринмаган газлама парчаларини бир-бирига улаб, улардан олам-олам маъно топди.

— Халқ амалий санъати эстетик тарбиянинг бебаҳо калитидир, — дейди Гули Маҳкамова. — Биз бу сеҳрли ва жозибали олам эшигини ўқувчиларга очиб беришимиз керак.

СУРАТДА: 10-синф ўқувчилари (чапдан) Зийда Турсунова, Заҳро Бакиева, меҳнат таълими ўқитувчиси Гули Маҳкамова Зуҳро Бакиева ва Моҳири Турсунбоева тайёр маҳсулотни намойиш қилмоқдалар.



Маҳкамова Зуҳро Бакиева ва Моҳири Турсунбоева тайёр маҳсулотни намойиш қилмоқдалар.

Муҳаммад АМИН
(ЎЗА) олган сурат.

Тағбирлар

ТИЛ — МИЛЛАТ ҚАЛБИ

Ўзбек тилига — Давлат тили мақоми берилганлигининг 15 йиллиги нишонланаётган кунларда барча маданий-маърифий муассасаларда бўлгани каби шахримиздаги Гафур Фулом номидagi маданият ва истироҳат боғида ҳам «Тил яшаса — миллат яшайди!» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда она тилимизнинг илди-лари, тарихи ҳақида Ўзбекистон Давлат консерваторияси Шарқ мусикаси факультетининг доценти Рустам Хўжаев байрам иштирокчиларига сўзлаб берди. Сўнг Чилонзор туман маданий-маърифий муассасалари қошидаги бадий хаваскорлик жамоалари, боғнинг Аҳатилла Сайфуллаев бошчилигидаги «Улугбек юлдузлари» бадий жамоаси хонандалари ўзларининг концерт дастурларини намойиш қилдилар. Тошоабинларда яккахон хофизлардан Уткирбек

Хасанов, Жамолхон Сайфуллаевларнинг хонишлари айниқса катта таассурот қолдирди. Байрамда ғазаллар, шеър ва рубойлар кўплаб янгради. Боғнинг бадий раҳбари, сўз устаси Мирзааҳмад Содиков ҳазрат Навоийнинг «Лисонут-тайр» асаридан намуналар ўқиб, йиғилганларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Байрамда Чилонзор туманидаги касб-хунар коллежларининг талабалари меҳмон сифатида иштирок этдилар.

Ўткир СУЛТОНОВ

Бугунги кунда Тошкент Давлат маданият институтининг халқаро илмий алоқалари яхши йўлга қўйилган. Бундай ҳамкорлик туфайли чет эллик мутахассис олимлар иштирокида илмий анжуманлар ўтказиш ҳам яхши анъанага айланиб қолди.

БАДИИЙ ИЖОДИЁТ ТАДҚИҚИ

Олий ўқув юртида «Кутубхоначилик ва манбаа-шунослик» ихтисослиги бўйича ташкил этилаётган ўқув машғулотларини олиб бориш учун эса Германиялик олимлар тақлиф этилди. Таниқли немис олими Кумир шу йўналишда малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Германиядан келган икки нафар мутахассис институтнинг бадий ижодиёт факультетида илмий изланиш билан шуғулланмоқда. Ўзбек мумтоз мусиқаси тадқиқотида доир бу изланишда фольклор-этнографик аҳамиятга эга бўлган тароналар ҳам таҳлил қилинаётир.

Ақбар АЛИЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР



Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларни биржа савдоларига тақлиф этади

БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:

● Тошкент шаҳар, М.Улугбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 939 110 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 540 396 сўм.

● Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Қирки тор кўчаси, 34-уйда жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган

бино. Бошланғич нархи — 48 648 225 сўм.

● Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган «Олой» бозори асосий биноси фойесининг майдони 16,5 кв.метрга тенг бўлган 19-қисми. Бошланғич нархи — 5 775 000 сўм.

● Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, «Ҳ.Олимжон» майдони, ғарбий томонида жойлашган «Пойтахт бизнес мажмуаси» биносининг 1-қаватидаги, майдони 16 кв. метрга тенг бўлган қисми (Ц-блоки). Бошланғич нархи — 5 841 600 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор-6/7 манзилида жойлашган, майдони 47 кв.метр бўлган бино

қисми. Бошланғич нархи — 2 316 603 сўм.

● Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Худойкулов кўчасида жойлашган, «440-SONLI XO'JALIKLARARO MAXSUS-LASHGAN KO'CHMA MEXANIZATSIYALASHGAN SAFI» (бино ва иншоотлари билан). Бошланғич нархи — 64 190 830 сўм.

● «Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги станоклар:

— станок СМЖ-357. Бошланғич нархи — 1 400 221 сўм;

— 1Г 340 П револьверли токарлик дастгоҳи. Бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) худудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмоқда. Ҳар бир дўконнинг бошланғич нархи 3 000 000 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунини соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри,
Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кун
соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

Футбол

ТАҚВИМДА ЎЗГАРИШЛАР

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳамда мамлакатимизнинг етакчи клуби «Пахтакор»нинг халқаро мусобақалардаги иштироки туфайли жорий йилги Ўзбекистон чемпионати тақвимиغا янги ўзгаришлар Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан киритилди.

Футбол мутасаддиларининг режасига кўра чемпионатнинг сўнгги икки тури ўз вақтида яқунланади. 21-турдаги «Навбахор» — «Пахтакор» баҳси 9 ноябрда бўлиб ўтса, 10 ноябрда 19-турнинг «Нефтчи» — «Пахтакор» ўринбосарлари учрашуви ўтказилади. Дарвоқе, 25-тур мусобақалари 13 ноябрга кўчирилди. Чемпионатнинг сўнгги 26-тур баҳслари эса ўз вақтида, яъни 20 ноябрда бўлиб ўтади.

МОСКВАГА КИМ БОРАДИ?

2005 йилда ишқибозларни аjoyиб футбол спектакли кутмоқда. Россия ҳукумати учинчи жаҳон урушида эришилган галабанинг 60 йиллигини катта байрам тарихисида нишонлашни режалаштирган.

Кувонарли томони шундаки, байрам дастуридан футбол шоуси ҳам ўрин олган. Унда собиқ иттифок ҳамда жаҳон терма жамоалари ўртасида ўртқоқлик учрашувини уюштириш кўзда тутилган. Шунинг таъкидлаш керакки, собиқ иттифок термасига 15 та давлатдан биттадан номзод танлаб олинди. Аслида ҳар битта давлатдан 4-5 нафар футболчининг номзоди кўрсатилади. Ягона номзод мутасаддилар томонидан ташкиллаштирилган савол-жавобдан сўнг аниқланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу футбол шоусида мамлакатимиздан собиқ терма жамоа сафида Қосимов, Шацких ёки Маминлардан қайси бири тўп суради? Буни вақт кўрсатади.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 266-мактаб томонидан 2003 йилда Дилдора Комилжоновна Салимова номига берилган 9-синфни битирганлиги ҳақидаги И №0016843 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛНАДИ

Олимпиадада юртимиз шарофтини Тоҳир Воҳидов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси ҳимоя қилмоқда. Олимпиаданинг аёллар ўртасидаги баҳсларида иштирок этиш учун терма жамоага Ольга Собирова, Анжела Хегай, Юлдуз ва Ирода Хамроқулова жалб қилинган.

Эрақлар беллашуварларида жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, Сайдали Йўлдошев, Алексей Барсов, Темур Гареев, Владимир Егин ва уч карра Осиё чемпиони Антон Филиппов дона сурмоқда.

Испаниядаги баҳслар, айниқса, эрақлар жамоаси учун омадли кечмоқда. Дастлабки икки турда жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов мусобақада иштирок этмаган бўлса-да, ҳамюртларимиздан Алексей Барсов, Темур Гареев ва Антон Филиппов Гондурас терма жамоаси шахматчиларини мағлубиятга учратди. Владимир Егин эса рақиб билан дуранг ўйнади.

Биринчи учрашувда Гондурасни 3,5:0,5 ҳисобида енгган шахматчиларимиз кейинги

Шахмат

ОЛИМПИАДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

14 октябрь кuni Испаниянинг Калвия шаҳрида шахмат бўйича бошланган XXXVI жаҳон шахмат олимпиадаси кизгин давом этмоқда. Эрақлар ўртасидаги баҳсларда 129 давлат терма жамоаси иштирок этаятган бўлса, аёллар баҳсисида саксон етти мамлакат вакиллари голиблик учун дона сураёттир.

баҳсда терма жамоалар рейтингда тўртинчи ўринда бораётган Арманистонга 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди.

Марокаш терма жамоасига қарши кечган учинчи турда Рустам Қосимжонов, Сайдали Йўлдошев, Темур Гареев ўз рақибларини енган бўлса, Антон Филиппов дурангга рози бўлди. Ўзбекистон — Марокаш 3,5:0,5.

Жамоалар рейтинг жадвалида ўттизинчи ўринда қайд этилган Ўзбекистон кейинги икки учрашувни рўйхатнинг юқори

погоналаридан жой олган Белагрус ва АҚШ терма жамоаларига қарши ўтказди.

Ун еттинчи ўрин соҳиби — беларуслик шахматчиларга қарши баҳсда Рустам Қосимжонов Алексей Александров билан дуранг ўйнади, Владимир Егин имкониятни бой берди, Темур Гареев ҳамда Алексей Барсов ишлаган очколар жамоамизга 2,5:1,5 ҳисобида галаба келтирди. Хамюртларимиз 10-ўринда турган АҚШ шахматчилари устидан ҳам худди шу ҳисобида

зафар қудди. Рустам Қосимжонов, Сайдали Йўлдошев, Темур Гареев рақиблари билан дуранг ўйнаган бўлса, Антон Филиппов Борис Гулькони мағлуб этиб, галаба очкосини келтирди.

Бешинчи тур яқунларига кўра, бешта учрашувдан тўрттасида голиб чиқиб, 13 очко жамгарган терма жамоаси 129 мамлакат орасида ун еттинчи погонани эгаллаб турибди. Олтинчи турда шахматчиларимиз кубаликлар билан қўч синашади.

Аёллар баҳсисида иштирок этаятган шахматчиларимиз ҳам олимпиадани галаба билан бошлаган эди. Ольга Собирова, Анжела Хегай, Ирода ва Юлдуз Хамроқулова Фижи ҳамда Ирландия терма жамоалари устидан 3:0 ҳисобида муваффақият қозонди. Греция билан 1,5:1,5 ҳисобида дуранг ўйнади. Бироқ Қозогистон (0:3) ва Словакияга (0,5:2,5) қарши баҳсларда имкониятни бой берди.

Ҳозирча, аёллар терма жамоаси саксон етти мамлакат ўртасида ўттиз еттинчи ўринда бормоқда.

Зоҳир ТОШЎЖАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси

Спорт



КУРАШ

Мустақиллик йилларида спортнинг оммавий тус олиши баркамол авлоднинг, соғлом турмуш тарзининг шаклланишига олиб келди.

Мамлакатимизда ўзбек курашининг жаҳон аренасига йўл олиши ҳам айнан шу йилларга тўғри келади. Пойтахт ёшлари ҳам курашни жон-дилдан севишади. Айни пайтда Тошкент шаҳрининг «Сағбон» спорт мажмуида юз нафардан ортиқ ёшлар кураш билан мунтазам шуғулланмоқда. Бундай имкониятни уларга шаҳар ҳокимлиги ҳамда Тошкент шаҳар кураш федерацияси яратиб берди.

Ёшларга жаҳон ҳамда республика чемпионлари Маҳтумқули Маҳмудов, Шоқир Тўраев ва Мурод Дўсимбетов каби мураббийлар ўзбек курашининг сир-асрорларини ўргатмоқда.

СУРАТЛАРДА: машғулотлардан лавҳалар. Муратмад Амин (ЎЗА) олган суратлар.



Маълумки, куз фасли келиши билан хазонрезгилик мавсуми бошланган шаҳар аҳолиси яна бир муаммага дуч келади. У ҳам бўлса тўкилган барглр ва кесилган шох-шаббаларнинг кўчаларда, маҳаллаларда, мавзёларда, истироҳат боглариди, хибонларда, кабрисонларда ёкиб юборилишидир.

Табиятнинг асраши — баргамизнинг бурчимиз

ХАЗОНЛАРНИ ЁҚМАЙЛИК

Аҳамият берадиган бўлсак болалар шўхлик қилиб баргларни ёқишса, катталар ахлат уюмидан кўтулиш учун, фаррошлар эса йиғилган хазонларни худуднинг тозаллигини таъминлаш учун ёкиб юбормоқдалар. Бунинг қанчалик хавфли эканини бир таҳлил қилиб кўрайлик. Хазонлар уюмининг ёқилиши натижасида атмосфера ҳавосига исгази, углерод оксиди ажралиб чиқиб, нафас сиқишига ва сурункали аллергик касалликларнинг хуружларига сабаб бўлади. Ёкиб юборилган барг-хазонларнинг захарли моддаларга тўйинган тутуни ўпка орқали қонга сўрилиб, юқори нафас йўлларида салбий таъсир қилади. Аллергик касалликлар ва нафас сиқиши билан хасталанган беморлар бу захарли тутулардан қанчалик азият чекаётганликларини хазонларни ёкиб юбораятган фуқаролар уларнинг ўрниларига ўзларини бир қўйиб қўришса, жуда яхши ҳис қилар эдилар. Бундан ташқари, тутун таркибиде саратон (рак) касаллигини кўзгатувчи канцероген моддалар ҳам ажралиб чиқади. Ёнганда ҳосил бўладиган қурум ва тутулар нафақат одам организмига, балки ёниш жараёнида ернинг унумдор қатламига ҳам салбий таъсир қилади. Хазон уюмларининг ёқилиши нати-

жасида осмонга таралаётган захарли тутулар экологиямизга қанчалик салбий таъсир қилишини кўпчилик англаб етмаса керак. Ишлаб чиқариш корхоналаридан, автомобиллардан таралаётган захарли тутулар атмосфера ҳавосини захарлаши каммиди. Илгарилари тўпланган хазон уюмлари умуман ёқилмаган, сабаби, ҳар бир хонадонда барглари кўмиш учун махсус ўралар бўлган ва хазонлар шу ўрага кўмиб компост қилинган. Хазонларнинг чириши натижасида ер қатламнинг унумдорлиги ошган. Мана бир неча йиллардан бери хазонларни ва шох-шаббаларни йиғиш ҳамда компостлаш учун ҳар бир туманда бир нечтадан хандақлар ташкил қилинган. Тўпланган барглр ва хазонлар ушбу хандақларга ташланса ва компостланса айни муддао бўлар эди.

Ахир осмонимиз мусаффолиги, атрофимиз гўзаллиги келажақ авлодларимиз учун бизлардан қолувчи мероску. Уни асраш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Ж.МИРЗАМУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг коммунал гигиена бўлими мудири.

Қажақа

Етти ёшли Моцарт Майн буйидаги Франкфуртда концерт бераётганида унинг ёнига ун тўрт ёшли нотаниш бола келиб:

- Ажойиб ижрочилик маҳоратинг бор экан! Мен ҳеч қачон бундай чалолмасам керак, — деди.
- Нера? Олдин бир кўриб бок-чи. Агар чикмаса, нота ёза бошла.
- Мен шеър ёзаман.
- Бу жуда қизиқарли. Яхши шеър ёзиш музика ёзишдан кўра анча қийин бўлса керак-а?
- Йўқ, жудаям осон. Сен бир ёзиб кўргин...
- Моцартнинг ўша сўхбатдоши Вольфганг Гёте эди.

Бир кuni машур венгер композитори Франц Листдан бир композиция тўғрисидаги фикрини билдиришни илтимос қилдилар.

- Бу асарда кўпгина янги жойлар бор экан, — деди у, — аммо биласизми?...
- Ҳўш, ҳўш, давом этаверинг.
- Биласизми, ўша янги жойлари яхши эмас, яхши жойлари янги эмас.

Сомерсет Мозм 88 ёшида оғир касалликка чалиниб, узоқ вақт ётиб қолди. Врачлар унинг ёнига киришни ҳам тақиқлаб қўйдилар. Шунда унинг ихлосманди бўлиши бир аёл телефон қилиб, сўради:

- Жаноб Мозм, ҳеч бўлмаса сизга апельсин ва гул жўнатишимга рухсат беришар-а?
- Апельсинни қанча хоҳласангиз жўнатаринг, — деди қуллимсираб ёзувчи, — аммо гул жўнатишга ҳали эртароқки дейман.

Қуллардан бир кuni Тристан Бернард спектаклга кечикиб келибди.

- Сиздан илтимос, жаноб, залда шовқин кўтармай, тежда жойлашиб олинг, — дебди унга секингина билет тарқатувчи аёл.
- Ҳа, ҳа, тушундим, — дебди машур ҳажвчи, — томошабинлар ухлаб қолишгандир-да?



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

каттар — 133-29-70;
эланлар — 133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳақми — 2 босяма табоқ обфет усулида босилди.
2812 нуҳада босилди. Қўғот бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Напр кўрсаткичи — 563

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича туяр жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтматига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилинишига мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарк» нашрий-матбоа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Тўрон» кўчаси, 41-уй.